

“Ўзбектелеком” АК
Акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
2021 йил 26 марта
52 - сон баёнига
4.1-сон илова

**“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси
ижроия органи ҳақида
НИЗОМ
(янги таҳрирда)**

2021 й.

Мундарижа

1. Умумий қоидалар.....	3
2. Компаниянинг ижроия этувчи органини шакллантириш тартиби....	3-5
3. Компаниянинг ягона ижроия органининг ваколатлари.....	5-11
4. Компанининг ижроия аппаратини шакллантириш тартиби ва ваколатлари.....	11-12
5. Компаниянинг ижроия этувчи органи ва ижроия аппаратининг ишлаш тартиби.....	12
6. Якуний қоидалар.....	13

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг ижроия органи ҳақидаги низом (кейинги ўринларда – Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 356-сон қарори, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания)нинг Устави, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссияси томонидан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси (31.12.2015 й., 9-сон баёни) ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари (11.02.2016 й., 02-02/1-187-сон ва 27.04.2018 й., 24/1-989-сон баённомалари) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2 Мазкур Низом Компания ижроия органини шакллантириш, тайинлаш, фаолият кўрсатиш, шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.3 Компания Уставга мувофиқ, Компаниянинг жорий фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва давлат бошқаруви органларининг меъёрий ҳужжатлари, Компания Устави ва мазкур Низомга мувофиқ фаолият юритувчи Компаниянинг ягона ижроия органи – бош директор томонидан бошқарилади.

2. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

2.1 Бош директор лавозимига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан шахсий тартибда танлов асосида амалга оширилади. Танловда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида мутахасисликка ва малакага эга бўлган хорижий фуқаролар ҳам иштирок этиши мумкин.

2.2 Бош директор лавозимига номзод, уни жиноий ёки бошқа жавобгарликка тортилганлиги ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиши шарт.

2.3 Кузатув кенгashi раиси бош директор лавозимига маълум бир номзодни тақдим қилганда, меҳнат шартномасини тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун ҳақ микдори ва номзоднинг шартнома тузишга розилигини тасдиқловчи шахсий аризаси ҳақида хабардор қиласи.

2.4 Бош директор номзоди Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилгандан сўнг, Компания Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан бир йил

муддатга сайланади (тайинланади). Қарор кўпчиликнинг овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

2.5 Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Компания бош директори лавозимга тайинланганидан сўнг, тегишли лавозим бўйича вазифаларни бажариш учун ягона ижроия органи - бош директор билан меҳнат шартнома тузилади. Компания номидан меҳнат шартномаси Кузатув кенгашининг раиси ёки унинг ўрнини босувчи шахс томонидан Кузатув кенгашининг қарорига асосан имзоланади.

2.6 Бош директор лавозимида тайинланган шахс ушбу лавозимга бир неча маротаба сайланиши (тайинланиши) мумкин.

2.7 Ягона ижроия органи бўлган шахснинг ваколатлари муддатидан аввал тугатилган тақдирда, унинг вазифаларини Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланадиган шахс томонидан вақтинча Компаниянинг бош директори лавозимида янги номзод тайинланадиган навбатдаги Акциядорлар умумий йиғилишигача бажаришга йўл қўйилади.

2.8 Бош директор ўзининг йўқлигига (меҳнат таътили, хизмат сафари, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги ва бошқа ҳолларда) ўз ўринbosарларидан бирига бош директор вазифаларини вақтинча бажарилишини юклаш ҳуқуқига эга.

2.8.1 Бош директор ваколатларининг юклатилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ бош директор томонидан имзоланадиган Компаниянинг буйруғи билан расмийлаштирилиши керак.

2.8.2 Бош директор вазифасини бажарувчи шахс, агарда бош директорнинг вазифаларини вақтинча бажариш тўғрисидаги буйруғида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, Компания Устави ва мазкур Низомга мувофиқ бош директорга берилган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

2.9 Бош директор Акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори билан тасдиқланган Компаниянинг ташкилий тузилмаси ва бюджети доирасида Компаниянинг ижроия аппаратини шакллантиради. Бош директор зарур ҳолларда, Компания Кузатув кенгashi билан келишилган ҳолда ва кейинчалик мажбурий тартибда тасдиқлаш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш орқали, ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Компаниянинг тасдиқланган ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

2.10 Бош директор қуийдаги таркибда ўринbosарларига эга:

- бош директорнинг техник фойдаланиш, маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича биринчи ўринbosари (кейинги ўринларда – бош директорнинг биринчи ўринbosари);

- бош директорининг истиқболли ривожлантириш ва инновациялар бўйича ўринbosари;

- бош директорининг тижорат масалалари бўйича ўринbosари;

- бош директорининг молиявий масалалар бўйича ўринbosари;

- бош директорининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлар бўйича ўринбосари;

- бош директорнинг ахборот хавфсизлиги, режим ва кадрлар бўйича ўринбосари.

2.11 Бош директор Компаниянинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятидаги масалаларни тезкор ҳал этилишини таъминлаш мақсадида бош директорнинг айрим ваколатларини бажарилишини фаолият йўналиши бўйича бош директорнинг ўринбосарларига топшириш (тақсимлаш) ҳуқуқига эга. Ижроия этувчи орган ваколатларини топшириш (тақсимлаш) тартиби Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатлари, лавозим йўриқномалари ва ишончномалар билан белгиланади.

2.12 Бош директор ва Компания ижроия аппарати ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, Компания Устави, ходимлар ва Компания ўртасида тузилган меҳнат шартномалари, лавозим йўриқномалари, ишончномалар ва Бош директорнинг буйруқлари билан белгиланади.

2.13 Компания Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгашининг қарори ёки бош директорнинг буйруғига биноан Компаниянинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятидаги айрим масалаларни ҳал қилиш учун Компаниянинг ижро этувчи органи ҳисобланмайдиган доимий ёки вақтинча фаолият юритувчи коллегиал органлари (қўмиталар, комиссиялар, ишчи гурӯхлар) тузилиши мумкин.

3. КОМПАНИЯНИНГ ЯГОНА ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

3.1 Компаниянинг ягона ижро этувчи органи - бош директор (кейинги ўринларда - Бош директор) Компания Устави асосида ва Компания манфаатларини ифодаловчи ишончномасиз фаолият юритади. Бош директор Компания номидан битимлар (шартномалар), шу жумладан, ташки иқтисодий фаолият билан боғлиқ битимлар тузади, белгиланган тартибда ўз ваколатларини бажаришни Компания ходимларига топширади, ишончномалар беради, ўз фаолиятини улар билан тузилган меҳнат шартномалари шартлари, Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши, Кузатув кенгashi қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширади.

3.2 Бош директор Компанияга келиб тушган, давлат ва тижорат сирларини ташкил этувчи маълумотларнинг сақланишини таъминлайди. Давлат сирларини ҳимоя қилиш Компания ижроия этувчи органининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

3.3 Бош директор ваколатига Компаниянинг жорий фаолияти, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини бошқариш бўйича барча масалалар киради, Компания Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.4 Бош директорга тўланадиган ҳақ миқдори Компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва у билан тузиладиган меҳнат шартномасида белгиланган бўлиши керак. Шу билан бирга, Бош директор ва бош директорнинг ўринбосарлари ““Ўзбектелеком” АКнинг бошқарув ва назорат органлари аъзоларига мукофот тўлаш тўғрисидаги низом”га мувофиқ ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

3.5 Компания бюджети Кузатув кенгашнинг қарори билан тасдиқланади. Бош директор пул маблағларини белгиланган тартибда Компания бюджети доирасида тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Бош директор, зарур ҳолларда харажатларни тасдиқланган бюджет доирасида қайта тақсимлаши мумкин. Компаниянинг белгиланган бюджет чегарасидан ошадиган харажатлари, харажатлар сметасига тегишли ўзгартириш киритишга орқали ва Компания Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилишига йўл қўйилади.

3.6 Компания Бош директори қўйидаги ҳуқуқлар (ваколатлар)га эга:

- Компания номидан ишончномасиз иш юритиш;
- Компаниянинг манфаатларини ифодалаш;
- Компаниянинг жорий ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ташкил этиш;

- Компаниянинг филиали ва филиал мақомига эга таркибий тузилмаси таркибида бўлинмани ташкил этиш ёки тугатиш, хорижий давлатлар худудида Компания ваколатхоналарини ташкил этиш ва кейинчалик тегишли қарор қабул қилиш учун Компания Кузатув кенгашининг кун тартибига киритиш;

- Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини, ўринбосарларини ва бош бухгалтерини лавозимга тайинлаш ёки лавозимдан озод этиш;

- Компания ва Компания ижроия аппарати жойлашган ердан ташқарида жойлашган алоҳида таркибий бўлинмалар (филиаллар ва ваколатхоналар)нинг штат жадвалини тасдиқлаш, Компания Кузатув кенгашига ижроия аппаратининг бошқарув таркиби миқдори бўйича таклифлар киритиш;

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Компания ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, ўзгартириш киритиш, интизомий жазо чораларини қўллаш;

- Компания ходимларига иш ҳақи тўлаш ва моддий рағбатлантириш (мукофотлаш) тўғрисидаги низомини тасдиқлаш, Компания ходимларига иш ҳақи ва қўшимча тўловлар (устама, бир марталик рағбатлантириш, мукофотлаш ва бошқалар) миқдорини, шунингдек, Компания ходимларини ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ барча турдаги моддий рағбатлантириш, қўшимча тўловлар миқдорини белгилаш;

- Компаниянинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқариш ва қўрсатмалар бериш;
- Конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Компания номидан ишончномаларни бериш;
- мазкур Низомда берилган ваколатлар доирасида Компания номидан мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик шахслар ва жисмоний шахслар билан миллий ва чет эл валютасида шартномалар (битимлар, контрактлар) тузиш;
- Компания фаолияти учун зарур бўлган ҳолларда Компаниянинг бошқа бошқарув органлари ваколатига кирадиган масалаларни кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, бундай масалаларни навбатдаги Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши муҳокамасига тасдиқлаш учун киритиш шарти билан мустақил ҳал қилиш ва тегишли шартномалар (битимлар, контрактлар) тузиш;
- банк ва бошқа кредит ташкилотларида миллий ва чет эл валюталарида ҳисобварақлар очиш ва бошқариш, тўлов топшириқномаларини ва Компания ҳисботларини имзолаш;
- Компания Акциядорларининг умумий йиғилиш ва Кузатув кенгашига мазкур Низомга мувофиқ Компания фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа объектив ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда Компаниянинг ташқилий тузилмаси ва ходимларининг чекланган умумий сонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида асослантирилган таклиф бериш;
- Бош директорнинг ўринбосарлари, Компания ижроия аппаратининг бошқарув таркиби ва бошқа масъул ходимлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш;
- мол-мulkни олиш ёки Компания мол-мulkини тасарруф этиш ёхуд мол-мulkни тасарруф этиш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар тасарруф этилаётган ёки тасарруф этилиши мумкин бўлган мол-мulkнинг ёки олинаётган мол-мulkнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Компания соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан ортиқ бўлмаган шартномалар (битимлар, контрактлар)ни тузиш, Компания Устави билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ваколатига оид битимлар бундан мустасно;
- Компания сиёсати, Компаниянинг алоҳида ва бошқа таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар, Компания низомлари, қоидалари, тартиблари, регламентлари, йўриқномалари, шу жумладан, ваколатлар тақсимланишини белгилайдиган ҳужжатлар, бош директорнинг бўйруғи билан тузилган коллегиал органларнинг низомлари ёки уларнинг фаолияти тўғрисидаги регламентлар, Компания фаолияти режаларини бажарилишини таъминлаш учун чиқарилган услубий ва бошка ички меъёрий ҳужжатлар, Компания Акциядорлар умумий йиғилиш ва Кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган ҳужжатлар бундан мустасно;

- ишлаб чиқариш, техник, иқтисодий ва бошқа коллегиал органлар коллегиал органлар (кенгашлар, қўмиталар, комиссиялар, ишчи гуруҳлар)ни тузиш уларнинг вазифалари, функциялари ва ваколатлари белгилаш;

- Компания манфаатларига оид масалаларни ҳал этиш учун Компания ходимларини хизмат сафарларига, шу жумладан, хорижий давлатларга юбориш;

- Компаниянинг таркибий бўлинмалари, шу жумладан, филиаллари ва ваколатхоналари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

- Компания Кузатув кенгашининг кун тартибига Компаниянинг бошқа ташкилотларда (юридик шахсларда) улушли билан иштирок этиши ёки иштирокини тугатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

- Бош директорнинг айрим ваколатларини фаолият йўналиши бўйича бош директорнинг ўринbosарларига, филиал директорлари, ваколатхона раҳбарларига ва тўғридан-тўғри бўйсунувдаги бошқа мансабдор шахсларга ижро этиш учун юклаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Низоми билан Компания Ижроия органининг ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

3.7 Компания Бош директорининг мажбуриятлари:

- Компаниянинг Кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси ва Компания аудитори талабига кўра қонунчиликда белгиланган тартибда Компания хужжатларини тақдим этиш;

- маҳфий маълумотлар, давлат сири ва Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

- дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг хукуқларига риоя қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, Компания Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларини бажариш;

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг жорий фаолияти устидан тезкор бошқарувни амалга ошириш, унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига кирадиган масалалар бундан мустасно;

- ўз ваколатлари ва вазифалари доирасида Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгashi қарорлари ижросини ташкил этиш;

- Компания Уставига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисботларни, ваколатига тааллуқли ишлар ҳолати тўғрисидаги ҳисботларни ва бошқа ахборот материалларини тақдим этиш;

- Компаниянинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олишни таъминлаш;
- ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- Компания фаолиятида қонун хужжатларига риоя этилишини таъминлаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этиш, тўғри холати ва ишончлилигини таъминлаш, йиллик ҳисбот ва бошқа молиявий ҳисботларни тегишли органларга, шунингдек Компания акциядорларига, кредиторларига ва бошқа маълумот олувчиларга Компания фаолияти тўғрисида юбориладиган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;
- Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки аудиторнинг талабига биноан Компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тўсиқсиз тақдим этиш;
- ваколатли органларга статистика ҳисботларини тўлиқ ва муддатида тақдим этилишини таъминлаш;
- тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг сақланиши таъминлаш. Тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади;
- Компания ходимларининг билимлари ва малакалари, тажриба ва қобилияtlаридан максимал даражада самарали фойдаланиш, Компанияни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш чораларини кўриш;
- меҳнат ва технологик интизомга қатъий риоя этилишини ташкил этиш;
- Компания ходимларининг ижтимоий кафолатлари ва меҳнат муҳофазасига риоя этилишини таъминлаш;
- жамоавий битимлар ва келишувлар тузишда иш берувчи сифатида қатнашиш ва бундай битимлар бўйича Компаниянинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- Компания акциядорларнинг Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган маълумотларни олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида қатнашиш, дивидендларни ҳисоблаш ва олиш бўйича барча хукуқларига қатъий риоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукуқий хужжатлари ва бошқа соҳага оид меъёрий хужжатларга риоя этилишини ташкил этиш;
- Компанияда манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган корпоратив хукуқий тартиб таомилларни белгиловчи хужжатларга қатъий риоя этилишини таъминлаш;
- Компания томонларнинг бири бўлган битимдан манфаатдор бўлса, у ўзининг манфаатлари тўғрисида ““Ўзбектелеком”” АКнинг манфаатлар

тўқнашувида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом”да белгиланган тартибда Компания Кузатув кенгашига хабар бериш;

- миллий ва халқаро стандартлар асосида Компанияда коррупцияга қарши курашиш ва ички назорат (мувофиқлик) тизимларини жорий этиш ва самарали ишлишини таъминлаш, хавф-хатарларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш ва ички назорат (мувофиқлик) тизимининг жиддий камчиликлари ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва натижалари тўғрисида Компания Кузатув кенгашига ахборот киритиб бориш;

- қонун хужжатларида белгиланган тартибда мажбурий равишда ошкор қилинадиган маълумотларнинг ошкор қилинишини таъминлаш;

- Компания фаолиятида инновацион ишланмалар натижаларини ва истиқболли лойихаларни амалий тадбиқ қилиш учун энг қулай шароитларни таъминлашга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

- Компанияда корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш ва самарали ишлишини таъминлаш;

- Компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва Компания Акциядорларининг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритиши.

3.8 Бош директор қуидагиларга жавобгар:

- Бош директор Компания акциядорлари олдида юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсий жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- Бош директор Компания мол-мулкини тасарруф этишдан шахсий фойда олиш ҳаракатларига йўл қўймаслиги керак;

- Бош директор ўз меҳнат фаолияти давомида Компанияга маҳсулот етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қийинчиликларни келтириб чиқарадиган корхоналарни ташкил этиш ёки бундай корхоналарни ташкил этишда қатнашиши мумкин эмас. Бош директор лавозимга тайинлангандан сўнг шу каби корхоналардаги иштирокини тўхтатиб туриши ва бундай тўхтатиб туриш тўғрисида Кузатув кенгашга хабар бериши шарт;

- Бош директор Компания олдида ўз вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарар учун, Компанияга етказилган заарарнинг ўрнини тўлиқ қоплаш учун, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари, Компания Устави ва мазкур Низомга, шу жумладан, Компанияда коррупция ҳолатларини олдини олишга қаратилган корпоратив тартиб таомилларни белгиловчи ички меъёрий хужжатларга мувофиқ жавобгар бўлади;

- Бош директор Компания Устави ва у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларини бузганлиги учун бир вақтнинг ўзида лавозимдан

бўшатилиши ва меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин. Компания Кузатув кенгаши, агар Бош директор Компания Устави ёки мазкур Низом талабларини қўпол равища бузган бўлса ёки ҳар қандай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) билан Компанияга зарар етказса, Компания Бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилишга ҳақлидир.

3.9 Бош директор қуидагилар натижасида Компанияяга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

3.9.1 Чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

3.9.2 Қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

3.9.3 Компанияяга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан, Компания билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз афилланган шахслари томонидан даромад олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

4. КОМПАНИНИНГ ИЖРОИЯ АППАРАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

4.1 Компания ижроия аппарати Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши қарори ёки мазкур Низомда белгиланган тартибда қабул қилинган Бош дирекорнинг буйруғи асосида тасдиқланган ташкилий тузилма ва ходимларнинг чекланган сони доирасида тузилади.

4.2 Ижроия аппаратига Кузатув кенгаши қарори билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директорнинг ўринбосарлари, Бош директор томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошқарма, хизмат ва бўлимлар раҳбарлари ва мутахассислари (ходимлари) киради.

4.3 Компания бош директори ўринбосари лавозимига номзодлар, қоида тариқасида, тегишли мутахассисликка ва малакага эга бўлган, хорижий фуқаролар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида танлаб олинади. Танлов ўтказиш тартиби Компания Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

4.4 Бош директор ўринбосари лавозимига номзодни кўриб чиқиши ва тасдиқлаш пайтида қарорлар Кузатув кенгаши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

4.5 Бош директор ўринбосари лавозимига номзод унинг номзодини кўриб чиқаётганда Кузатув кенгашининг мажлисида қатнашиши мумкин.

4.6 Бош директор ўринбосари лавозимига номзод Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишилганидан сўнг, Кузатув кенгаши томонидан таклиф қилинган номзод лавозимга тайинланади (тасдиқланади) ва Бош

директор у билан тегишли лавозим вазифаларни бажариш учун меҳнат шартномасини тузади.

4.7 Бош директор ўринбосарлари ва ижроия аппаратининг бошқа ходимларининг вазифалари ва жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатлари, лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

4.7.1. Бош директор ўринбосарларининг ваколатлари (хукуқлари ва мажбуриятлари) бош директор томонидан тасдиқланадиган ““Ўзбектелеком” АКнинг ягона ижроия органи ва ижроия аппаратининг бошқарув таркиби ваколатларини тақсимлаш тўғрисидаги низом” билан белгиланиши мумкин.

4.8 Ижроия аппарати ходимлари лавозим йўриқномалари, берилган ишончномалар ва улар билан тузилган меҳнат шартномалари шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари, Бош директорнинг буйруқлари ва фармойишлари билан белгиланган ваколатлар доирасида фаолият юритишади.

4.9 Компания Кузатув кенгаши томонидан Бош директорининг тақдимномасига ёки ўз илтимосига биноан бош директор ўринбосарининг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш (меҳнат шартномасини бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

4.10 Бош директор ўринбосарининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қўпчилик овоз билан қабул қилинади.

5. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ ВА ИЖРО АППАРАТИНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ

5.1 Бош директор ва бош директор ўринбосарларининг фаолияти ушбу Низомга, шунингдек, Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Компаниянинг ривожланиш режасига (Бизнес режасига), шунингдек давлат ривожлантириш дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

5.2 Бош директор мувофиқлаштириш, тегишли назоратни таъминлаш ва берилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш ҳамда бизнес-режани бажарилиши юзасидан Компаниянинг масъул ходимлари билан, лекин ойига камида **бир марта** тезкор йиғилишлар ёки маслаҳат учрашувларини ўтказади.

5.3 Ишчи йиғилишларнинг бориши тегишли баённомалар шаклида расмийлаштирилади.

5.4 Бош директор томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилиш учун тақдим этилган масалалар Компания ижроия аппарати мажлисларида олдиндан муҳокама қилинади.

5.5 Кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш учун киритилган масалалар юзасидан бош директор ёки у ваколат берган Компаниянинг масъул ходими

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши йиғилишида иштирок этади ва ҳисбот беради, киритилган масала бўйича фикр ёки таклифларни ҳимоя қилади.

5.6 Бош директорнинг кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш ижроия аппаратининг бошқарма, хизмат, бўлимлар раҳбарлари ва ходимлари учун мажбурийдир. Масъул этиб белгиланган ижрочилар, қабул қилинган қарорларнинг белгиланган муддатларда бажарилиши тўғрисида ёзма равишда Бош директорни хабардор қиласидар.

5.7 Бош директор ўз топшириқларини бажарилишини ўзи томонидан ташкил этилган коллегиал органлардан бирига юклашга ҳақлидир.

5.8 Ижроия аппарати ходимлари томонидан Бош директорнинг амалга оширилиши (тўлиқ ёки қисман бажарилиши) мумкин бўлмаган бўйруқ, фармойиш ва кўрсатмалари бўлган тақдирда, уларнинг бажарилиши учун масъул бўлган ходимлар асослантирилган ҳолда Бош директорни олдиндан хабардор қилишлари шарт.

5.9 Бош директорнинг бўйруқ, фармойиш ва кўрсатмаларини ижро этиш муддатлари фақат Бош директорнинг тегишли бўйруқ, фармойиш ва кўрсатмалари билан ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёхуд Кузатув кенгашининг қарори билан узайтирилиши мумкин.

6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1 Мазкур Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

6.2 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши натижасида мазкур Низом нормалари қонунга зид бўлиб қолган тақдирда, ушбу нормалар ўз кучини йўқотади ҳамда Бош директор ва бош директор ўринбосарларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли нормалари билан тартибга солинади.